

# Тижорат Банклари Томонидан Хўжалик Юритувчи Субъектларни Кредитлаш Амалиётини Такомиллаштириш

*Ойбек Гуламович Икромов<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Мазкур мақолада тижорат банклари томонидан кредитлашни ташкил этиш борасидаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикр ва хулосалари тадқиқ қилинган, кредитлашни ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари келтирилган.

Шунингдек, мамлакатимиз тижорат банкларининг кредитлар амалиёти, кредит портфели таркиби ва динамикаси таҳлил қилинган. Охирги йилларда мамлакат банк тизимида муаммоли кредитларнинг ҳолати ва ўзгариш динамикаси аниқланган. Муаммоли кредитларни камайтириш бўйича тегишли илмий хулосалар шакллантирилган ва амалий тавсиялар берилган.

**Ключевые слова:** кредит, кредит сиёсати, кредитга лаёқатлилик, қоплаш коэффиценти, ликвидлилик коэффиценти, мухторийлик коэффиценти, кредит портфели, муаммоли кредитлар, кредит риси, кредитлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга захиралар.

**Кириш.** Кредитлаш жараёни тижорат банкларининг муҳим фаолият йўналишларидан бири ҳисобланиб, ундан самарали фойдаланиш банклар молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини доимий таҳлил қилиб, такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Қароридан “... кредит бюролари фаолияти, шу жумладан, уларнинг маълумотлар базаларини уй-жой коммунал хўжалик комплекси, солиқ ва пенсия тизимларининг ахборот тизимлари билан интеграциялаш орқали ривожлантириш, автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш ва кредит конвейеридан кенг фойдаланиш, кредит портфели сифатини яхшилаш” каби муҳим вазифалар белгиланган.[1]

Иқтисодийни модернизациялаш босқичида республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Республикамининг баъзи банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўзгармасдан қолаётганлиги ушбу мавзунини долзарблигини кўрсатмоқда.

## Адабиётлар шарҳи.

Хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳолига кредитлар бериш тарихан тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Тижорат банкларининг пайдо бўлиш тарихига бағишланган илмий тадқиқотларга назар ташласак, банклар аввало биринчи навбатда кредит операцияларини бажариш зарурияти туфайли юзага келганлигини гувоҳи бўламиз. Аксарият муаллифларнинг қарашларига кўра, банклар товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ равишда эмас, балки кенг кўламдаги кредит операцияларини амалга ошириш зарурияти туфайли пайдо бўлган.

<sup>1</sup> Мустақил изланувчи



Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш хусусидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, Д.МакНотон ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш амалиётини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди. [2]

Иқтисодчи олим И.Трахтенберг фикрига кўра, капиталистик корхоналарнинг фаолияти кредитсиз ривожлана олмай қолган даврда, банклар, тарихий зарурият сифатида юзага келди, шаклланди.[3]

М.Бортникнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг юзага келиши ва ривожланишига бағишланган қатор илмий тадқиқотларда банкларнинг фаолиятида мижозларга ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш кредит операцияларидан кейин юзага келганлиги ўз исботини топган.[4]

Ўзбекистон иқтисодчи-олимларидан Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра, тижорат банкларининг кредит операциялари деганда, маълум шартлар асосида, яъни қайтаришлилик, муддатлилик, тўловлилик шартлари асосида маълум бир миқдордаги пулни (ёки товарни) қарзга бериш жараёнларини амалга ошириш тушунилади.[5]

Профессор Т.Каралиевнинг фикрига кўра, кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти-банк (қарз берувчи) ва мижоз (қарз олувчи) нинг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тузилганлигига боғлиқ.[6]

Профессор Ф.Холмаматовнинг тадқиқотларда хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашга қуйидагича таъриф берилган: банк томонидан кредит бериш – бу банкнинг кредит операциясини амалга оширишда бир-бири билан боғлиқ ҳаракатлар тартибга солинган, келишилган, ҳужжатлаштирилган мажмуидир.[8] У кредитлаш жараёнида юзага келади деган кредит муносабатларини белгилайди ва тартибга солади. Банк томонидан кредит бериш тизими – кредитор ва қарз олувчи яхлитлиги ҳамда ўзаро фойдалилигини, демак, банк кредит фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга қодир бўлган элементлар тузилмасидир.[9]

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб, кредитлашга қуйидаги таърифни шакллантириш мумкин: кредитлаш бу- кредитлаш объектлари, кредитлаш методлари, яъни кредитлаш тамойиллари бўйича кредит бериш ва қайтариш усулларига асосланган ҳолда кредитнинг капитал айланишида қатнашиши тушунилади.

**Таҳлиллар ва натижалар.** Республикамиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган банк фаолиятига тегишли қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, тижорат банклари ички меъёрий ҳужжатлари ва тартиблари тўплами ҳисобланади.

Кредитлаш операцияларини ташкил этиш, амалга ошириш ва уларни назорат қилиш ҳамда мониторингини олиб бориш бўйича банк томонидан мустақил равишда ишлаб чиқиладиган банкнинг кредит сиёсати асосий ҳужжат ҳисобланади.

Банкнинг кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган корхоналарда қўшимча пул маблағларига эҳтиёж юзага келади ва бу эҳтиёж зарур бўлганда банк кредитлари ҳисобидан қопланиши мумкин. Шу сабабли, бозор иқтисодиёти шароитида кредит ва унинг муҳим элементларидан бири кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб



этади.

Кредитга лаёқатлилиқ – бу мижознинг молиявий фаолиятига ҳар томонлама берилган баҳо бўлиб, у қарз олувчининг сўралаётган кредитни (асосий қарз суммаси ва у бўйича фондларни) ўз вақтида қайтариш ва бошқа қарз мажбуриятларини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўрсаткичлар сони чегараланмаган, яъни қарз олувчининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир тижорат банки уни ўзи мустақил аниқлайди. Банклар орқали қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси маълум бир андозага туширилган молиявий коэффицентлардан фойдаланадилар. Уларга:

1. қоплаш коэффиценти;
2. ликвидлилиқ коэффиценти;
3. мустақиллик(мухторийлик) коэффиценти, яъни ўз маблағлари билан таъминланиш коэффиценти киради.

Мижоз баланси ва бошқа молиявий ҳужжатларга асосан кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари аниқланади.

Ликвидлилиқ коэффиценти (Кл) қуйидагича ҳисобланади:

$$Кқ = \frac{1,2 \text{ ва } 3 \text{ гуруҳ ликвид маблағлар}}{\text{қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}}$$

Қоплаш коэффиценти (Кқ)ни ҳисоблашда барча ликвид маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати олинади. Қоплаш коэффиценти ликвидли активлар қанчалик даражада қисқа муддатли мажбуриятларни қоплай олиши мумкинлигини ифодалайди. Агар корхонанинг ликвид активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларини 2 ва ундан ортиқ баробар қопласа, субъектнинг молиявий аҳволи шунчалик барқарор ҳисобланади. Баъзи ҳолларда ҳўжалиқ субъектлари фаолиятида эҳтиёждан ёки нормативдан ортиқча товар моддий бойликлар (айниқса, мавсумий корхоналарда) заҳираларининг юзага келиши яхши ишлайдиган корхоналарда ҳам қоплаш коэффицентининг паст бўлишига олиб келиши мумкин.

Ликвидлилиқ коэффиценти қарз олувчи ўз маблағлари ҳисобидан қарзнинг қанча қисмини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади, яъни бу коэффицентдан мижознинг яқин келажакда оператив равишда банкка қарз тўлаб бериш қобилиятини прогнозлаш учун фойдаланилади. Ликвидлилиқ коэффиценти қанча юқори бўлса, кредитга лаёқатлилиқ шунча юқори бўлади.

$$Кл = \frac{1 \text{ ва } 2 \text{ гуруҳ ликвид маблағлари}}{\text{қисқа муддали қарз мажбуриятлари}}$$

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги мухторийлик коэффиценти умумий корхона баланси пассивининг қанча қисми корхонанинг ўз манбаларидан ташкил топганлигини баҳолайди ва қарз маблағлари ичидаги корхона мустақиллигини акс эттиради.

Молиявий мустақиллик ёки мухторлик коэффиценти (Км) мижознинг ўз маблағларининг барча маблағлар манбалари ичида тутган салмоғини, яъни корхона фаолиятининг қанча қисми ўз капитали ҳисобидан молиялаштирилишини кўрсатади ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Км = \frac{\text{Ўз маблағлари манбаи}}{\text{Баланс суммаси}} \times 100 \%$$

Банк учун кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари кредит шартномаси тузилаётганда риск даражасини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳимдир. Ўз маблағлари манбалари ва унинг ҳажми қанчалик катта бўлса, мижознинг ўз вақтида қарз мажбуриятларини тўлаш қобилияти шунча юқори бўлади. Корхонани кредитлаш учун унинг ўз маблағлари манбалари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.



**1-жадвал. Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларига қараб миждозларни синфларга ажратиш бўйича талаблар<sup>2</sup>**

№	Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1.	Қоплаш коэффициенти (Кк)	Кк>2,0	2,0>Кк>1,0	1,0>Кк
2.	Ликвидлилик коэффициенти (Кл)	Кл>1,5	1,5>Кл>1,0	1,0>Кл
3.	Мухторлик коэффициенти (Км)	Км>60%	60%>Км>30%	30%>Км

Шунингдек, миждознинг молиявий ҳолатини баҳолашда аниқ бир хулосага келиш учун кредитга лаёқатлиликнинг асосий кўрсаткичларига қўшимча сифатида кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Корхонанинг кредитга лаёқатлиликнинг қўшимча кўрсаткичлари асосан миждознинг айланма активлари ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилишни кўзда тутлади. Маълумки, қисқа муддатли кредитлар хўжалик субъектларининг айланма активларига берилади. Шунинг учун миждознинг кредитни ўз вақтида банкка қайтара олиш қобилияти ҳам унинг айланма активларидан фойдаланишидаги самарадорлик даражасига қараб белгиланади. Хўжалик субъектлари айланма активлардан қанчалик самарали фойдаланаётган бўлса ва айланма активларнинг айланиш тезлиги қанчалик юқори бўлса, кредитдан фойдаланиш самараси ва уни ўз вақтида банкка тўлаш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлиши мумкин.

**2-жадвал. Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши<sup>3</sup>**

Кўрсаткичлар номи	01.01.2022 й.		01.01.2023 й.		01.01.2024 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
<b>Жами кредитлар</b>	<b>326 386</b>	<b>100%</b>	<b>390 049</b>	<b>100%</b>	<b>471 406</b>	<b>100%</b>
Саноат	117 639	36,0%	126 647	32,5%	140 152	29,7%
Қишлоқ хўжалиги	35 022	10,7%	42 096	10,8%	47 255	10,0%
Қурилиш соҳаси	9 282	2,8%	10 400	2,7%	12 275	2,6%
Савдо ва умумий хизмат	27 406	8,4%	28 911	7,4%	32 516	6,9%
Транспорт ва коммуникация	28 708	8,8%	29 673	7,6%	34 342	7,3%
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	3 814	1,2%	3 856	1,0%	4 067	0,9%
Уй-жой коммунал хизмати	2 284	0,7%	1 888	0,5%	2 345	0,5%
Жисмоний шахслар	69 496	21,3%	100 949	25,9%	148 621	31,5%
Бошқа соҳалар	32 734	10,0%	45 630	11,7%	49 833	10,6%

Республикада олиб борилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида иқтисодиёт тармоқлари фаолияти билан боғлиқ хатарларни имкон қадар мўътадил даражада шакллантиришга ҳаракат қилинмоқда. Лекин шунга қарамасдан ўрганилган давр мобайнида саноатнинг улуши сезиларли даражада юқориликка қолмоқда. 2012 йил 1 январь ҳолатига 36,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатига 6,3 фоиз бандга пасайган ва 29,7 фоизни ташкил этган. Шунингдек, жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг улуши 21,3 фоиздан 31,5 фоизга қадар ошган.

Ушбу ҳолат банк тизимида кредит рискинни ошганлигидан далолат беради. Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, бир тармоққа ёки соҳага ажратилган кредитларнинг максимал миқдори 25 фоиздан ошмаслиги тавсия этилади. Мамлакатимиз банк тизимида саноат ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдори халқаро меъёр даражасидан юқори.

<sup>2</sup> Манба: Ш.З.Абдуллаева “Банк иши” ўқув қўлланма Т – 2010 й. 166 бет.

<sup>3</sup> www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди



Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, тижорат банклари томонидан битта соҳага ва битта тармоққа бериладиган кредитларнинг ҳажмига илғор хориж тажрибаси асосида лимит ўрнатиш ва ушбу лимитга қатъий риоя этиш йўли билан банклар кредит портфелининг оптимал диверсификация даражасини таъминлаши лозим.

Кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мақсади бир неча йўналишда фаолият олиб борган ҳолда таваккалчиликни камайтириш ва даромадни оширишдан иборатдир. Оқилона амалга оширилган диверсификация банкларнинг универсаллиги ва мустақиллигини ҳам оширади, чунки банк фаолияти қайсидир соҳага, тармоққа ёки мижозга боғлиқлик даражаси пасаяди. Бунда бир тармоқдан кўрилган зарарни бошқа тармоқдан олинган даромад (фойда) билан ёпиш имконияти пайдо бўлади ва банк фаолиятига ёки молиявий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Мамлакатимиз банк тизимининг самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда банкларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Бироқ, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир қанча қийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорат банкларини даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредитлар орасида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги сезиларли бўлмоқда.

### 3-жадвал. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари<sup>4</sup> (NPL)

Сана	Кредитлар			Муаммоли кредитлар (NPL)		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		давлат улуши мавжуд банклар	бошқа банклар		давлат улуши мавжуд банклар	бошқа банклар
1	2	3	4	5	6	7
01.01.2020 й.	211 580,5	186 630,3	24 950,2	3 169,1	2 809,0	360,1
01.01.2021 й.	276 974,8	244 483,9	32 490,9	5 784,8	5 167,6	617,2
01.01.2022 й.	326 385,6	280 073,6	46 311,9	16 974,0	15 068,8	1 905,2
01.01.2023 й.	390 048,9	324 680,8	65 368,2	13 992,4	12 643,3	1 349,1
01.01.2024 й.	471 405,5	333 298,1	138 107,4	16 621,4	13 267,2	3 354,2

Охириги йилларда республика банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилмоқда ва натижада банк активларининг ҳамда кредитларининг юқори даражада ўсиш тенденцияси кузатилмоқда ва натижада банк активлари ва кредитларининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Мамлакатимиз банклари томонидан берилган кредитлар динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, охириги беш йил мобайнида кредитлаш ҳажми 2,2 мартага ошган. 2008 йилда 211,6 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 471,4 трлн сўмга қадар етган. Банк кредитларининг жадал суръатлар билан ўсиши мамлакат иқтисодиётини ўсишда муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга банклар томонидан берилган кредитларнинг сифати ҳам охириги йилларда ижобий томонга ўзгарди.


Банк кредитларининг ортиши ва унинг сифати банк тизимининг молиявий ҳолатига ҳам ўз таъсирини ўтказди, банкларнинг даромади ошиб, молиявий кўрсаткичларини яхшилаб олиш имконини беради.

Аммо муаммоли кредитлар ҳажми ҳам ортганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2020 йилда 3,2 трлн сўм бўлса, 2024 йилга келиб 16,6 трлн сўмга қадар ошган. Бунда давлат улуши мавжуд банкларнинг салмоғи ниғоятда катта бўлиб, асосий муаммоли кредитлар айнан ушбу банкларда

<sup>4</sup>[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди



тўпланганлигини кўриш мумкин. Мазкур даврда давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг муаммоли кредитлари 4,75 мартага отган, яъни 2020 йилда 2,8 трлн сўм бўлса, 2024 йилга келиб 13,3 трлн сўмга қадар ошган.



**1-расм. Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши<sup>5</sup>, фоизда**

Мамлакатимиз банк тизимининг кредит қўйилмалари таркибида муаммоли кредитларнинг улуши 2020 йилда 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 3,5 фоизга қадар ошган. Айниқса 2021-2022 йилларда муаммоли кредитларнинг салмоғи 3,1 фоиздан 5,2 фоиз ва 3,6 фоизга қадар ўсганлигин салбий ҳолат, деб баҳолаш мумкин. 2021-2022 йилларда муаммоли кредитларнинг кескин тортишининг асосий сабаби коронавирус билан боғлиқ чекловлар ва “кредит таътиллари”нинг жорий қилиниши ҳисобланади. Қолаверса, хўжалик юритувчи субъектларга экспорт ва импорт қилиш имконининг чекланиши ҳам асосий сабаблар сирасига киради. Охириги йилда 0,1 фоиз бандга пасайган ва 3,5 фоизни ташкил этган. Мазкур ҳолат тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти билан боғлиқ жиддий муаммолар борлигини кўрсатади. Тижорат банклари кредитлаш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жиддий чора-тадбирлар кўриши лозимлигидан далолат беради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Мазкур мақолада амалга оширилган амалий таҳлиллар асосида қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

- тижорат банкларининг мижозларни кредитга лаёқатлилигини ифодаловчи кўрсаткичлари асосий ва қўшимча кўрсаткичларга бўлинади.
- хўжалик субъектларини кредитлаш ва уларни мониторинг қилиш Марказий банк ишлаб чиқилқан умумий қоида ва тартиб асосида олиб борилади, бу тижорат банклари кредит сиёсати ва ички кредитлаш тартибида ўз аксини топади;
- рискларни бошқариш тизимининг ривожланиши банк соҳасида активларнинг ўртача ҳаётгийлик даври, диверсификация ва хеджирлаш каби тушунчалар ва асосий молиявий воситаларни вужудга келтирди;
- Республикамиз тижорат банклари халқаро банк иши амалиётида қўлланиб келинаётган моделлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйишлари мавжуд рискларни бошқариш тизимининг такомиллашишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз банк тизими фаолияти самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

<sup>5</sup>[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди





Тижорат банкларининг хўжалик юритувчи субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

банкларда кредитлаш билан боғлиқ жараёнларни самарали ташкил этиш, кредит мониторинги тизимини такомиллаштириш;

кредит рискларини олдини олишнинг жаҳонда қўлланиладиган усуллар ва моделларидан мамлакат банк амалиётида кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

банкларда активларни шакллантиришда, хусусан, кредитлаш бўйича халқаро даражада тавсия этилган нормаларга амал қилиш;

банк кредитлари таъминотини доимий назорат қилиб бориш, уларнинг юқори ликвидлилик даражасини таъминлаш;

жаҳон мамлакатларининг бой таржибасини ўрганиб чиқиш, мазкур муаммога эндигана дуч келган мамлакатлар банк тизимларида олиб борилиши зурур бўлган ислохотларни режалаштиришда юқори самара келтириши мумкин.

Хусусан, республикамизда ҳам банклар кредит портфелида пайдо бўлган муаммоли кредитларни бартараф этишда улардан фойдаланиш истикболарини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Қарори.
2. Д. МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - ИЭР МБРР. - Вашингтон Д.С., 1993.-С.75
3. Трахтенберг И.А. Современный кредит и его организация. - Москва: Л., 1931. -С.191.
4. Бортник М.Ю. Денежное обращение и кредит капиталистических стран. - Москва: Финансы, 1967. -С.47.
5. Ш.З.Абдуллаева. Кредит ва кредитлаш амалиёти. Монография. – Тошкент.: “Иқтисод-молия”, 2017. – 368 б.
6. У.Ў.Азизов, Т.М.Каралиев ва бош. Банк иши. Дарслик. – Тошкент.: “Иқтисод-молия”, 2016. – 768 б.
7. Kubayevich, K. F. . (2024). Current Analysis and Current Issues of Ensuring the Financial Stability of the Banking System in Uzbekistan. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(3), 169–176. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/2681>
8. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo‘llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>
9. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta‘minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(8). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952>
10. Kholmamatov Farkhodjon Kubayevich, Rakhmatov Azizjon Jaloliddinovich, Maqsudov Bunyod Abdusamat ugli, Sayfullayev Sirojiddin Soli ugli,. (2020). Econometric Analysis of Factors Affecting Commercial Bank Lending. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(9s), 2160 - 2166. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/14550>



11. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. (2024). Yangi O'zbekiston Taraqqiyotida Tadqiqotlarni o'rni Va Rivojlanish Omillari, 5(1), 375-382. <http://pedagoglar.org/index.php/04/article/view/1120>

